



ЎЗБЕКИСТОН

БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 29 май куни “Асакабанк” ва Бизнесни ривожлантириш банкнинг инвестиция фаолияти ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга оид тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда инвестиция жараёни фаол, иқтисодий лойиҳалар талаб. Шунга мос равишда банкларнинг бундаги иштироки ортиб, инвестицион фаолияти кенгайиб бормоқда.

Тақдимотда “Асакабанк” ва Бизнесни ривожлантириш банкнинг шу борадаги жорий йилги режалари кўриб чиқилди.

Хусусан, “Асакабанк” бу йил лойиҳаларга 2,1 миллиард доллар жалб қилиб, уларни тўлиқ ўзлаштиришни мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, фармацевтика ва автомобиль саноатида жами 3 миллиард долларлик лойиҳалар шакллантирилган.

Шунингдек, “Асакабанк” иштирокида 285 минг аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланган.

Бизнесни ривожлантириш банкнинг тақдимотида кўра, 2024 йилда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ва инвестиция лойиҳаларига жами 1,5 миллиард доллар жалб қилинади. Шундан 225 миллион доллар халқаро молия институтларидан олиб келинади. Ушбу маблағларни ўзлаштириш орқали йил якунига жами 47 мингдан ортиқ микролоиҳалар амалга оширилади.

Шунингдек, аҳолининг бизнес госяларини молиялаштириш орқали 380 мингта ўзини ўзи банд қилган шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Банкнинг

ўқитиш дастурлари билан 70 мингдан ортиқ аҳолини қамраб олиш белгиланган.

Давлатимизнинг фаол ташқи сиёсати натижасида ҳамкор мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан қўллаб-қувватлашга эришилган. Жумладан, “Асакабанк” иштирокида 772 миллион долларлик 87 та, Бизнесни ривожлантириш банки томонидан 485 миллион долларлик 45 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Тақдимотда ушбу муҳим лойиҳаларнинг бориши ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари банклар барча миқозлари билан манзилли ишлаб, лойиҳанинг ҳар бир босқичида қўмақлаштириш зарурлигини, бунинг натижаси янги иш ўринлари яратилиши ва маҳалларда камбағалликнинг қисқаришида ўз ифодасини топиши кераклигини таъкидлади.

Банклар ўз ишони янги ташкил қилиб, факат кредит ажратадиган марказ эмас, балки ўзи иштиқобли лойиҳаларни амалга оширадиган ва уларни тайёр бизнес сифатида тадбиркорларга тақдим этадиган замонавий инвестиция-тижорат тузилмасига айланиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Тақдимотда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш жараёниларини рақамлаштириш ва уларнинг шаффофлигини янада ошириш, замонавий дастурий ечимлар ва инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭКСПЕРТЛИК КўМАГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР Қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида кенг қўлланилган таркибий ислоҳотларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий экспертлар кўмагининг мувофиқлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун малакали хорижий консултант ва экспертларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларини ҳамда консалтинг компанияларини (кейинги ўринларда — хорижий консултант ва экспертлар) ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан жалб этиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — буюртмачи ташкилот) томонидан хорижий консултант ва экспертларни жалб этиш жараёнини мувофиқлаштирувчи орган этиб **Стратегик ислоҳотлар агентлиги** белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) хорижий консултант ва экспертлар улар билан буюртмачи ташкилот ҳамда Стратегик ислоҳотлар агентлиги ўртасида тузиладиган **уч томонлама шартнома асосида жалб қилинади**. Бунда:

хорижий консултант ва экспертлар билан шартнома **бир йилгача бўлган муддатга тузилади** ва ушбу муддат кейинчалик **узайтирилиши** мумкин; шартномада хорижий консултант ва экспертлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар (**техник**

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

таъминот

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 29 май

Таҳлил

Ўзбекистоннинг суверен халқаро облигациялари Фойда қандай мақсадларда ишлатилмоқда?

Жорий йилнинг 21 май куни Ўзбекистон томонидан умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг навбатдаги суверен халқаро облигациялар илк бор 3 валютада жaxon молия бозорларига жойлаштирилди.

Иқтисодий ва молия вазирлиги мутахассисларининг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Дания ва Бирлашган Араб Амирикларини каби давлатлар инвесторлари билан видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувда Ўзбекистон миллий валютада суверен халқаро облигациялар жойлаштириш бўйича буюртмалар қабул қилиши билдирилди. Ўз навбатида, халқаро инвесторлар мазкур ташаббусни олқишлаб, дунёда давом этаётган мураккаб вазиятга қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланаётгани, хусусийлаштириш ва

бошқа таркибий ислоҳотлар амалий жиҳатдан жадаллашганини ижобий баҳолади. Онлайн учрашувда Ўзбекистоннинг суверен халқаро облигацияларини сотиб олиш учун жами 5,5 миллиард долларлик буюртмалар келиб тушгани эътиборга молик. Яъни АҚШ долларларидаги (7 йиллик) облигацияларга 3 миллиард доллар, евродаги (3 йиллик) облигацияларга 2 миллиард евро, сўмдаги (3 йиллик) облигацияларга 4 триллион сўмлик буюртма берилган.

▶ Давоми 3-бетда

Ҳамкорлик истиқболлари



Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги кундан кунга ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 4 оқи давомида ўзаро савдо айланмаси 3,844 миллиард долларга етди. Бу аввалги йилнинг шу даврига қиёсланганда икки ҳисса кўп. Бугунги кунда Россия билан ҳамкорликда 3 мингдан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.



Ўз навбатида, саховатли заминимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми Россия бозорларига экспорт қилинмоқда. Шунингдек, тўқимачилик, пахта, ипак ва бошқа саноат маҳсулотларимизга бўлган талаб ҳам юқори.

Фарғона вилоятида ҳам Россия ишбилармонлари, йирик ишлаб чиқариш корхона ва компаниялари билан ўзаро манфатли ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқди. Бу азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, савдо-сотик ҳамда туризм йўналишларини кенгайтириш имконини бермоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги вилоят расмийлари ва ишбилармонларидан иборат делегация Бошқирдистон Республикаси ҳамда Свердловск вилоятида бўлиб, иқтисодий, фан-таълим, туризм йўналишларида истиқболли лойиҳалар юзасидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

▶ Давоми 3-бетда

Тараққиёт мезонлари



ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Ўтган йилнинг декабрь ойида юртимизда фаолият юритаётган бир нечта тўқимачилик корхонаси WRAP (Worldwide Responsible Accredited Production) халқаро ижтимоий сертификатини қўлга киритгани хусусидаги хабарлар тарқалганди.

Воқеанинг аҳамияти шундаки, бундай сертификати бор корхона дунёнинг йирик истеъмол бозорларидан бири — АҚШ (бир йилда қарийб 100 миллиард долларлик тўқимачилик маҳсулотлари импорт қилади) бозорига бемалол сотиш имконига эга бўлади. Шунинг учун ҳам соҳа вакиллари WRAP сертификатини АҚШ бозорига кириш чинамга қиёслашди. Шундан келиб чиқиб айтганда, рақобат ва истеъмол маданияти тобора юқорилаб бораётган ҳозирги пайтда Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар халқаро доирада дадил кириб бораётгани диққатга сазовордир. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2024 йилнинг ўтган тўрт ойида қиймати 1 миллиард АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилган. Бу кўрсаткич умумий экспортнинг 11,9 фоизини, экспорт қилинган маҳсулотлар таркибида тайёр кийим-кечаклар улуши эса 37,3 фоизни ташкил этган. Ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари айни пайтда дунёнинг 60 дан зиёд давлатига сотилмоқда. Энди биз харидор ва бозорини танлаш даражасига етишми. Ўзбек тадбиркорлари, ўзбек маҳсулотлари дунё бозорига муносиб ўрин эгаллашпти.

▶ Давоми 4-бетда



МИЛЛИЙ ТУРИЗМ

Уни бутун дунёга тарғиб этишнинг муҳим босқичи бошланди

Ҳамкорлик истиқболлари



Бошқирдистон ҳудудида 10 МИНГ ГЕКТАРГАЧА ЕР АЖРАТИЛАДИ

Унда фарғоналик тадбиркор-деҳқонлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда чорвачилик лойиҳаларини амалга оширади

Нуриддин МАМАЖОНОВ, Фарғона вилояти ҳокимининг инвестициялар, sanoat va savdo masalalari бўйича ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Энди Бошқирдистонга Фарғона қишлоқ хўжалиги ва sanoat маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, 500 километр радиусда 5 та йирик миллионер шаҳар билан чегарадош бўлган, муҳим транспорт йўлаклари кесилган нуқтада Фарғона мева-сабзавотларини Россия бўйлаб тарқатиш имконияти яратилади.



Мазкур йўналишларда Фарғонанинг "Energy-Land" ҳамда Россиянинг "ВкусАгро" компаниялари Қува туманида қиймати 50 миллион доллар ва Уфа шаҳрида тахминий қиймати 16 миллион доллар бўлган агрологистика марказларини ташкил этиш устида иш олиб бормоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва Бошқирдистон раҳбари Радий Хабилов учрашувда Бошқирдистон ҳудудида галла,

картошка, кунгабоқар, дуккакли экинлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда чорвачилик лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиб бериш таклифи ҳам ўртага ташланди. Бу ерда етиштирилган маҳсулотларнинг асосий қисми Ўзбекистон бозорига экспорт қилиниши кўзда тутилган.

"Башинком" илмий-тадқиқот корхонаси нафақат Россия, балки Европа ўсимлик ва чорвачилик тармоқлари учун 250 турдаги экологик тоза микробиологик препаратлар ҳамда биоўғитлар етказиб бериш билан шуғулланиб келмоқда.

Вилоят ҳокими таклифи билан Фарғонадаги "Swiss agro" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ҳамда "Башинком" ўртасида қўшма ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.



зиёд ишчи-ходим меҳнат қилаётган мажмуа очик экин майдонлари, иссиқхоналар, савдо дўкони, чорвачилик фермаси, маҳсулотни қайта ишлаш ва қадоқлаш линиялари, сут ва гўштни қайта ишлаш тармоқлари, ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қондирлик цехи, ем тайёрлаш ва бошқа қатор тузилмаларни ўз ичига олган.

Свердловск вилоятида улгуржи ва чақана савдо билан шуғулланувчи "Сима-Ленд" компанияси 200 дан ортиқ бренд остида турли маиший товарлар ишлаб чиқаради.

тиб, бир пайтнинг ўзиде 5 минг махсус оператор ёрдамида онлайн савдониде амалга оширади. Компания Россиядан ташқари Хитой ва Хиндистон бозорларида фаол ишлайди.

Фарғона ва Свердловск вилоятлари ўртасида сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётган ҳудудларо ҳамкорлик самарасида вилоятда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари компания каталогидан ўрин олган.

Свердловск вилоятидаги касбий таълим соҳасида Россиянинг энг илгор муассасаларидан бири — Первоуральск металлургия коллежида дуал таълим ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликдаги таълимни қўллашга катта таъсир қўлади.

Таҳлил

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУВЕРЕН ХАЛҚАРО ОБЛИГАЦИЯЛАРИ

ҲОЙДА ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛМОҚДА?

Жасурбек АТАНИЯЗОВ, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Евродаги суверен халқаро облигациялар Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси БРМ облигациялари дастури доирасида чиқарилган.



глоблалашув шароитида мамлакатнинг жаҳон иқтисодийётига интеграциялашуви, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг фаоллашиши муҳим аҳамият касб этади.

хисобланган Лондон фонд биржасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта евробондлар, яъни еврооблигациялар бозорига қўйилди.

Ўзбекистоннинг АҚШ доллариде халқаро молия бозорларига жойлаштирган облигациялари еврооблигациялар деб аталади. Миллий валютада халқаро молия бозорларига жойлаштирилган облигациялар суверен халқаро облигациялардир.

Еврооблигация эмитентлар томонидан кулай мамлакат танланган ҳолда узоқ муддатта, паст физ ставкаларида жойлаштирилади.

Инвесторлар облигацияни сотиб олиш зарурати ва ҳажми тўғрисидаги қарорини мустақил қабул қилади. Улар бу орқали ин-вестицион портфелни диверсификация қилади ҳамда қўшимча даромадга эга бўлади.

Мақоламиз аввалида келтирганимиз маълумотлар эса Ўзбекистон миллий валютадаги суверен халқаро облигациялари дастури ишлаб чиқилди ва ўша йилнинг 12 ойида биринчи марта Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришишга йўналтирилган 2,5 триллион сўм миқдоридеги миллий валютадаги халқаро суверен облигациялари халқаро молия бозорига жойлаштирилганди.

Жаҳон молия бозорларидаги халқаро облигациялар бўйича операциялар натижасида Ўзбекистон муваффақиятли келишувларга эришмоқда. Инвесторнинг қизиқиши юқорилиги туфайли 3 та валютада суверен халқаро облигациялар жойлаштиришга муваффақ бўлинган. Ўзбекистоннинг халқаро молия бозорига интеграциялашуви кучайишига хизмат қилади.

ижтимоий-иқтисодий даражаси ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Булар жумласига камбағалликни камайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, гендер тенгликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, иқтисодий ўсishни рағбатлантириш ва инфратузилма барқарорлигини ошириш қилиб киради.

БРМга эришиш учун сезиларли ҳажмда давлат ва хусусий инвестициялар талаб этилади. Ўзбекистон БМТга мос келадиган миллий барқарор ривожланиш мақсадларини ишлаб чиққан. Таҳлилларга кўра, унга эришиш учун Ўзбекистонга ҳар йили камида 6 миллиард АҚШ долларига тенг қўшимча инвестициялар зарур бўлади.

